

Дин - бу истиқоматингдир



10:24 / 09.03.2022 3942

Дин фақатгина намоз ўқишинг, рўза тутишинг, закот беришинг, ҳаж қилишинг, шаҳодат калимасини айтишинг холос ва шу билан иш тугайди деб ҳаёл қилма. Йўқ. Булар ибодатлардир. Фарз ибодатлардир. Диннинг шиори бўлган ибодатлардир.

Лекин муомалат ибодатлари соғлом бўлмас экан, буларнинг самарасини сезмайсан ва ибодатларни асл мақсади, ҳадафини англамайсан. Сени динга шаклий яқинлигинг олдинга ҳам сурмайди, ортга ҳам. Уйингни тўрига Каъбанинг суратини қўйиб олишинг кифоя эмас. Машинангга Мусхафи шарифни қўйиб қўйишингни ўзи кифоя эмас. Дўконингни деворига Қуръон оятлари ёзилган плакатни осиб қўйишни ўзи кифоя эмас. Қўлингда тасбеҳ тутиб юришингни ўзи кифоя эмас. Умра зиёратига ўттиз

марталаб боришингни ўзи кифоя эмас!

Дин – бу истиқоматингдир.

Дин – бу шариатга мувофиқ муомалангдир.

Доктор

Муҳаммад Ротиб Наблусий